

Уламолар бисотидан



11:00 / 09.09.2022 1975

Ислом оламидаги буюк шахсиятлардан бири, Усманийларнинг энг сўнги муфтийси, илм борасида, таҳқиқ майдонида замонасининг етук имоми бўлган Муҳаммад Зоҳид Кавсарий роҳимахуллоҳ ҳаж зиёратига бормаганлар!

Шогирдлари аллома Абдулфаттоҳ Абу Ғудда роҳимахуллоҳдан имом Кавсарийнинг ҳажга бормаганларининг сабабини сўрашганида, у зот:

- Умрим мобайнида закотга қодир бўлмадим, ҳаж қаёқда! деган эканлар.

Байрут муфтийси шайх Мустафо Нажо исломий мадрасалар ҳақида «Дўстларга насиҳат» китобида шундай ёзади: «Агар ушбу исломий мадрасаларда дин муҳофазаси ва эътиқод саломатлигидан бошқа комиллик бўлмаганда ҳам, ушбуларни ўзи кифоя қиларди». Асар 1319 ҳижрий йил Байрутда чоп этилган.

Ҳар бир одам билан бахслашавериш фикрдан эмас. Имом Шофеъий деди: «Ҳар бир бахс-мунозара қилган инсон билан мунозара қилавериш, ҳар бир сўз айтишган, тортишган билан тортишавериш илми ерга уриш, хорлаш саналади». (Имом Байҳақийнинг «Маноқиби Шофеий» асаридан).

Фойдаланилган манба:

